2016 ЙИЛ 19 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 214 (13.277)

Баҳоси эркин нархда

ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 2016 йил 18 октябрь куни Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бошланди.

Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Ислом ҳамкорлик ташкилотининг энг муҳим тузилмаларидан бири бўлиб, унинг сессияси ҳар йили аъзо мамлакатлардан бирида ўтказилади. 2015 йилда Ал-Кувайт шаҳрида бўлган 42-сессияда навбатдаги сессияни Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 19 августдаги қарорига мувофиқ ушбу халқаро анжуманга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Сессия тадбирлари учун барча зарур шароит яратилди.

Сессияда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари, ташкилотнинг ёрдамчи ва махсус муассасалари раҳбарлари, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Италиянинг ИҲТдаги махсус вакиллари ҳамда БМТ, ЕҲҲТ, Араб давлатлари лигаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор тузилмалар вакиллари иштирок этмоқда.

Сессияни Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг амалдаги раиси, Кувайт Давлати Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Сабоҳ Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ кириш сўзи билан очди.

Қуръон тиловат қилинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур таъзия изҳор этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданий Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадида улкан ишларни амалга оширганини, ислом дини ривожига муносиб ҳисса қўшганини, бундай эзгу ишлар изчил давом эттирилаётганини алоҳида таъкидлади. Сессияга юксак даражада тайёргарлик кўрилганини қайд этиб, мамлакатимиз ҳукуматига самимий миннатдорлик билдирди.

Сессия Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таклиф этган "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ўтмоқда. Анжуман иштирокчилари мазкур ғоя Ислом ҳамкорлик ташкилотининг бузғунчи мафкурага қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёш авлодда муқаддас ислом дини қадриятлари ҳақида тўғри фикр шакллантириш, юксак маънавиятли ва билимли ёшларни тарбиялаш орқали фаровонликка эришиш каби устувор мақсадларига мос эканини таъкидлади.



Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган мамлакатимиз ҳудудида қадим цивилизациялар мужассамлашган. Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Муҳаммад Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби боболаримиз жаҳон илм-фани, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрь куни Кувайт Давлати Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Сабоҳ Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлади ва Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳга чуқур ҳурмат-эҳтиромини изҳор этди.

Сабоҳ Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ Кувайт Амирининг салом ва эзгу тилакларини етказди.

Суҳбат чоғида ушбу учрашув икки томонлама дўстлик робитасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Кувайтнинг қатор минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашув ва қарашлари ўхшаш, кўп жиҳатдан бир-бирига яқиндир. Икки давлатнинг долзарб муаммоларни ечиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, таҳдидларни бартараф этиш ва хавф-хатарларнинг олдини олиш масалаларига қараши бир хил.

Ўзбекистон Кувайт билан турли нуфузли халқаро анжуманлар ва тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириб бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга, 2008 йилда Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг Ўзбекистонга ташрифлари икки давлат ўртасидаги муносабатлар ривожига янги суръат бахш этиб, ўзаро ҳамкорликни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди. Мазкур ташрифлар доирасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Учрашувда Ўзбекистон – Кувайт муносабатларини янада юқори босқичга кўтариш, ҳамкорликнинг янги саҳифасини очиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, савдо-иқтисодий ва сармоявий шериклик кўламини ошириш мақсадида келаси йилнинг биринчи чорагида ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлисини ўтказишга келишиб олинди. Комиссияга икки томондан ҳам Бош вазирнинг биринчи ўринбосари мақомида раислар тайинланган Ўзбекистон ва Кувайтнинг катта интилиш ва алоҳида иштиёқ билан ишга киришаётганидан далолат беради.

Бу ўринда Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунгача мазкур жамғарманинг имтиёзли кредитлари ҳисобига сув таъминоти, транспорт инфратузилмаси ва тиббиёт соҳаларида умумий қиймати 60,6 миллион АҚШ долларига тенг 3 лойиҳа амалга оширилган. Шунингдек, кардиохирургия, ирригация ва автомобиль йўлларини таъмирлаш соҳаларида 72,5 миллион долларлик яна 4 лойиҳа ижроси давом этмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Кувайт вакиллари юртимизда ташкил қилинаётган турли маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2007 йили "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида Кувайт олий маданият ва санъат институтининг мусиқий гуруҳи бош совринни қўлга киритган.

Муносабатларни ривожлантиришга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида турли даражаларда, жумладан, олий даражада ўзаро ташрифларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Кувайтга бўлажак ташрифи бу борадаги келишувларни рўёбга чиқаришда муҳим қадам бўлиши қайд этилди. Шавкат Мирзиёев фурсатдан фойдаланиб, Кувайт Давлати Амирини Ўзбекистонга таклиф қилди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ташкил этилган 43-сессиясида ушбу тузилмага раислик Кувайт Давлатидан Ўзбекистон Республикасига ўтди. Шу муносабат билан Кувайт томони Ўзбекистон раҳбариятининг ташкилотга раислик даврида амалга ошириш борасида илгари сурган таклиф ва ташаббусларига юксак баҳо бериб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини, бу йўналишда кенг кўламли ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти Бандар Ҳажар билан ҳам учрашув ўтказди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни мусулмон дунёсининг энг нуфузли молия муассасаларидан бирига раҳбар этиб тайинланган муносабати билан табриклаб, ИТБ бундан буён ҳам бутун ислом умматининг бирдамлиги ва барча аъзо мамлакатлар ривожига муносиб ҳисса қўшаверишига ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ИТБ ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани, айниқса, томонлар ижтимоий ва иқтисодий йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида кенг кўламли ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди. Ислом тараққиёт банки томонидан шу кунгача Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларга оид 26 лойиҳа ижроси учун 1,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Муҳтарам Раис жаноблари!

Жаноби олийлари, ҳурматли вазирлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳу.

Аввало, сиз, азиз меҳмонларни, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва кузатувчи мақомига эга мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакилларини, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг барча иштирокчиларини Ўзбекистон заминида қутлаш ва сизларга самимий ҳурматимни билдиришга ижозат бергайсизлар.

Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу муҳим анжуманини ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти – Тошкент танлангани учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Ушбу сессия муқаддас ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг ривожланиши ва фаровонлигига кўмаклашишдек эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонамиз.

Мазкур форумга тайёргарлик доирасида эришилган ўзаро ҳамкорлик натижаларидан мамнунмиз. Бу борада Бош котибият ва шахсан унинг раҳбари жаноб Ияд Маданий, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилган самарали ишларни, бунда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи намоён бўлганини юксак қадрлаймиз.

"Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" мавзуси 43-сессия кун тартибининг асосий ғояси этиб белгиланган чуқур рамзий маънога эга. Бу ғоя "Бешикдан қабргача илм изла" деган машҳур ҳадисга ҳамоҳангдир. Ушбу мавзу катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, буюк давлат арбоби сифатида узоқни кўра оладиган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан, Аллоҳ у кишини раҳматига олсин, дунё халқлари, ўз халқи тақдири, бугунги мураккаб шароитда муқаддас динимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар натижаси сифатида таклиф этилган эди.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади.

Бундай ёндашув – давр талабидир.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

"Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори Ислом ҳамкорлик ташкилотининг бугунги анжумани мавзуси этиб белгиланган бежиз эмас.

Негаки, мазкур анжуман сизу бизнинг буюк аждодларимиз киндик қони тўкилган Ўзбекистон заминида бўлиб ўтмоқда.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Ислом оламида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ" тўплами "барча муҳаддислар устози" бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрдирки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Қуръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан ҳам минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухорои шарифга бориш ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас, албатта.

X асрда самарқандлик мутафаккир, "Имом ал-Худа" (Ҳидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган Мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган.

Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда.

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Янги таҳдидлар, жумладан, "оммавий маданият" хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одобахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий оламини, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз Ислом динидан зўравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қиламиз.

Халқимиз атеистик мустабидликдан озод бўлгандан кейин, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аждодларимизнинг муқаддас дини бўлган исломнинг жамиятимиздаги ўрнини қайта тиклаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

1999 йил Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Ислом университети очилди. Мамлакатимизда 10 та диний таълим муассасаси, жумладан, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иккитаси хотин-қизлар ўқув муассасасидир.

Ана шу таълим масканлари орасида XVI асрда бунёд этилиб, мамлакатимизда илм-фанни кенг ёйишга хизмат қилган Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бор.

Етмиш йил ҳукм сурган коммунистик тузум даврида Ўзбекистондан бор-йўғи 130 киши Ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили ўзбекистонлик беш мингдан зиёд киши ўзининг эзгу орзуси ва мусулмонлик бурчини адо этмоқда. Ўша пайтларда кўп миллионли республикамизда атиги 30 та масжид бўлган, бугун эса мамлакатимизда минглаб масжидлар фаолият юритмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида тарихий ислом ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар қайта тикланди. Уларнинг аксариятини сиз, азиз меҳмонларимиз Ўзбекистонга ташрифингиз давомида зиёрат қилиш имконига эга бўласиз.

Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳурматли сессия қатнашчилари!

Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришдан асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишдир. Айни вақтда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлашдир.

Бу, аввалambor, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилинди, замонавий узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ 43-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун барча ўғил-қизларимиз ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим билан қамраб олинган. Улар 10 мингта реконструкция қилинган ёки қайта қурилган кенг ва ёруғ мактаблар, 1,5 мингта академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида билим олмоқда. Қарийб 300 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 минг 200 дан ортиқ спорт объекти болаларимиз ихтиёрида.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олий ўқув юртлари сони 2,5 баробар кўпайди. Бугунги кунда олий ўқув юртларимизда 230 мингдан зиёд талаба билим олмоқда. Ўзбекистонда ета-тита хорижий етакчи олий ўқув юртининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Истеъдодли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда.

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ёшлар ҳақида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсатининг энг асосий ва устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Чунки ёшлар – бизнинг келажагимиз. Бу соҳадаги давлат сиёсатини янада чуқурлаштириш учун яқинда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди.

Ҳонимлар ва жаноблар!

Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичида яшамоқдамиз.

Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка рахна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда.

Бошпанасиз қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган одамлар оғир мусибатларни бошдан кечирмоқда, қуролли қарама-қаршиликлар ва терроризм оқибатида гуноҳсиз болалар, кексалар, хотин-қизлар ҳалок бўлаётир. Охири кўринмайдиган урушлар туфайли кўплаб мамлакатлар вайронага айланмоқда.

Бундай шароитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалар юзасидан мулоқот қилиши учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда.

Ташкилот мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизликка иқтисодий тараққиётсиз, ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни ҳал этмасдан эришиб бўлмаслигини тушунган ҳолда фаолият юритаётганини биз юқори баҳолаймиз. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фаолият кўламини янада кенгайтириш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада мамлакатлар ва халқлар ўртасида турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, нафақат ҳукуматлар, балки парламентлар, илм-фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутиши зарур. Айнан мана шу мақсадлар Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг раиси сифатида ташкилот салоҳиятини янада кучайтириш ва эзгу мақсадларга эришишда ўз ҳиссасини қўшиш учун барча имкониятларини ишга солади.

Ўзбекистон Кенгашга раислиги даврида мусулмон давлатларининг самарали ва нуфузли форуми сифатида ташкилот ролини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистоннинг раислигида ўтаётган ушбу анжуманнинг "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори бизнинг устувор йўналишларимизни аниқ ифода этади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи. Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун илм-фан ва техникани янада ривожлантириш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилотимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алмашишни фаоллаштириш, турли илм-фан соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказишни таклиф этади.

Шубҳасиз, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлигини Ислом тараққиёт банки фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин.

Фурсатдан фойдаланиб, 2016 йил 1 октябрдан эътиборан Ислом тараққиёт банкининг президенти этиб сайланган Бандар Ҳажар Жаноби олийларини қутлашдан мамнунман.

Учинчи. Хавфсизлик муаммоси ўта кескин ва фожиали тус олаётгани барчамизни ташвишга солаётганини таъкидламоқчимиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мавжуд ёки юзага келаётган зиддият ва тўқнашувларни тинч йўл билан, музокаралар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари асосида сиёсий-дипломатик ҳамда халқаро-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда ҳал этишга эришиш энг муҳим вазифадир.

Тўртинчи. Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан бу борада Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳудудидаги давлатларнинг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бешинчи. Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб ҳамда мамлакатимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотидаги раислик даври учун таклиф этилаётган устувор мақсадлардан бирининг ижроси контекстида давлатимизнинг айрим ташаббусларини эълон қилмоқчиман.

Биринчи ташаббуснинг моҳияти нафақат ислом маданияти, балки умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишдан иборат.

Бундай марказнинг Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида яратилиши мантиқий иш бўлур эди. Буни бир қатор қулай омиллар тақозо этмоқда:

биринчидан, Самарқанднинг мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканлиги билан боғлиқ дунё цивилизациясидаги мумтоз ўрни;

иккинчидан, энг буюк мусулмон мутафаккирларидан бири, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорийнинг табаррук мақбараси жойлашган ушбу минтақага хос бўлган алоҳида маънавий-руҳий муҳит.

Таклиф этилаётган тадқиқот маркази Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида "Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар маркази" деган улуғвор ва рамзий номга эга бўлиши мумкин бўлур эди.

Умид қиламизки, бизнинг ушбу ташаббусимизни Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Ияд Маданий Жаноби олийлари қўллаб-қувватлайдилар ва бу лойиҳани амалга оширишда керакли кўмакни берадилар.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини Тошкент ислом университети таркибида ташкил этиш билан боғлиқдир.

Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқиш ташкил этиши мумкин бўлур эди.

Ҳурматли дўстлар!

Мазкур анжуманимиз ва сизларнинг Ўзбекистонга ушбу ташрифингиз давомида Ватанимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишишингиз туризм, гуманитар, илмий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Бу борада биз ўз томонимиздан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг туристлари ва вакилларини диёримизга келиб-кетиши билан боғлиқ расмиятчиликларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўрамиз.

Олтинчи. Оммавий қирғин қуролини тарқатмаслик муаммоси бугунги кунда энг кескин масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон 1993 йилдаёқ Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган. Мазкур ташаббус Ўзбекистон ва қўшни давлатлар томонидан 2006 йилда имзоланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартнома, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий бешта аъзоси 2014 йилда имзолаган Кафолатлар тўғрисидаги протоколда ўзининг амалий ифодасини топган.

Ўзбекистон ядро қуролидан холи ҳудудлар кўламини изчил кенгайтириш тарафдори ва Яқин Шарқда ҳам ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ташкилотга аъзо мамлакатлар ва, умуман, мусулмон олами хавфсиз ва фаровон давлатларга айланишига ишонади.

Муҳтарам сессия қатнашчилари!

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси халқаро майдонда ташкилотимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва унинг обрўсини ошириш, олдимизда турган умумий вазифаларни самарали ҳал этишга хизмат қилишига ишонаман.

Сўзимни якунлар эканман, сизларни Шарқ дурдоналаридан бири бўлган Самарқандга таклиф этишдан мамнунман. Самарқандда бебаҳо тарихий-маданий объектларни ўз кўзингиз билан кўриш, халқимиз ҳаёти, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларимиз, олий ўқув юртларимиз фаолияти билан бевосита танишишингиз мумкин.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК



(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллик йилларида Ислом Каримов раҳнамолигида диний қадриятларимиз тикланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун асосида виждон эркинлиги кафолатланди. Диний билимларни ўрганиш, диний амалларни бажариш учун кенг эркинлик ва шароит яратилди. Қуръони карим ва унинг тафсирлари, Ҳадиси шарифлар ва бошқа муқаддас китоблар ўзбек тилида кўп минг нусхада нашр этилмоқда. Улуғ аждодларимиз қадамжолари обод қилинди, юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди.

Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ва бир қатор махсус таълим масканлари фаолият юритмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро маркази олимлари буюк алломаларимиз меросини тадқиқ этиб, халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказмоқда.

Ҳар йили ўн бир мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж ва Умра зиёратларига бориб келмоқда.

Ўзбекистон улкан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан Ислом ҳамкорлик ташкилотида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз бу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик кенг кўлам касб этган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтган Афғонистон можаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" гуруҳи учрашувини, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишини қўллаб-қувватлаган.

Ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинган.

ИҲТ вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, 2009 ва 2014 йилларда парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. 2014 йил май ойида Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти", ўша йили июнда Тошкентда бўлган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" ҳамда октябрда Урганчда ўтган "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзуларидаги халқаро конференциялар ва бошқа анжуманларда иштирок этган.

Ўзбекистон 2003 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ихтисослаштирилган тузилмаси – Ислом тараққиёт банкига аъзо бўлган. Ўтган даврда мазкур банк билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилган.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига мусулмон давлатларни бирлаштирувчи умумэътироф этилган форум сифатида қарайди, ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислигини мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасининг эътирофи, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ташкилотнинг жаҳондаги ролини кенгайтириш, ташкилот олдидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга ҳар томонлама кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг ялпи мажлисида Кот д'Ивуар Республикаси ташқи ишлар вазири Абдалла Мабри, Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний, Судан Республикасининг Саудия Арабистонидаги элчиси Али Алсаносий, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов сўзга чиқди.

– Ўзбекистон дунёдаги бахтли мамлакатлар рейтингида юқори ўринлардан бирида қайд этилганини яхши биламиз, – дейди Бирлашган Араб Амирликлари давлат вазири Майса ал-Шамси. – Тошкентдаги бунёдкорлик ва тараққиётни, одамлар юзидаги мамнуниятни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон азалдан ислом маданияти ва илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган. Сессияда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар, мамлакатингизнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислиги илм-фан, таълим ва технологиялар соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

– Ўзбекистон ён қўшнимиз, яқин қардошимиз ва ишончли ҳамкоримиз, – деди Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисов. – Бугунги кунда ўзаро алоқаларимиз янада фаоллашмоқда. Транспорт ва транзит, машинасозлик, метални қайта ишлаш, божхона, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда янги истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларимизнинг бундай кенг кўламли ва самарали ҳамкорлиги аввало халқларимиз, қолаверса, бутун минтақамиз фаровонлигига хизмат қилади.

– Ўзбекистонга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан, – деди Малайзия ташқи ишлар вазири Анифа Аман. – Бу мамлакатингиз изчил ривожланиб бораётганининг ёрқин ифодаси. Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида таълим ва фан соҳалари яхши ривожланган. Ўзбекистон Республикаси Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислигида ушбу соҳаларга аҳамият қаратиши аъзо давлатларда таълим тизими ривожига ижобий таъсир қилади, деб ўйлайман.

Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг амалдаги раиси Кувайт Давлати ўз раислик ваколатини Ўзбекистонга топширди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири мазкур органнинг 2017 йилдаги навбатдаги сессиясига қадар Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислик қилади.

Анвар САМАДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎзА мухбирлари

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, алоқаларни янада тараққий эттириш, янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Фойдаланилмаётган имкониятларни ўрганиш ва ишга солиш, янги лойиҳалар тузиш, шериклик кўламини кенгайтириш мақсадида турли даражадаги делегациялар алмашуви бўйича аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ИТБ билан стратегик ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир. Шу муносабат билан мамлакатимиз 2017–2019 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий йилнинг ўзида қабул қилишга тайёр. Айни пайтда ушбу стратегияга киритиш учун умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 21 лойиҳа бўйича таклифлар тайёрлаб қўйилган.

Меҳмон Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ўтаётган анжуманига таклиф қилгани ҳамда ўз нутқида ИТБ фаолиятига юксак баҳо бергани учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларни ривожлантириш борасидаги барча таклифларини қўллаб-қувватлашини, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишга тайёрлигини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббусини рўёбга чиқариш – Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳузурида нафақат ислом маданияти, балки умуминсоний цивилизация равнақига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Бу ташаббус негизидаги "жаҳолатга қарши маърифат" тамойили ислом динини унга путур етказадиган сохта ғоялар орқали эмас, балки Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳонуддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби даҳолар меросидан ўрганишга, мана шу умумэътироф этилган диний-маданий ва илмий бойликни бутун дунёда кенг тарғиб этишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Бандар Ҳажар мазкур ташаббусни юксак баҳолар экан, бундай эзгу ғоялар мусулмон оламининг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга ва умумий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎзА

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Тошкент шаҳар Кенгашида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси ваколатига кирадиган масалалар, жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-, 17- ва 18[1]-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари ва уларнинг шахсий таркибини 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидаги бошқармалар ва туман ҳокимликларидаги ижроси, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳри бўйича 2016 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида"ги қарорига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда 2016 йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ушбу сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси самарали фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳокимликларининг тақдимномаларига асосан шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳри бўйича 713 та сайлов участкалари ташкил қилинди. Сайлов участкаларининг тартиб рақамлари ва уларнинг манзили кўрсатилган рўйхати "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари саҳифаларида жорий йилнинг 5 октябрида эълон қилинди. Айни пайтда ташкил этилган сайлов участкаларида туман ҳокимликлари томонидан жиҳозлаш, ободонлаштириш, техник воситалар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида туманлардан сайланган депутатлар иштирокида ўрнатилган тартибда муҳокама қилиниб, округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилиши лозим.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида, ҳар бир туманда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари иштирокида кўриб чиқилиб, маъқулланганлиги таъкидланиб, Тошкент шаҳридаги 713 та ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги 44 та участка сайлов комиссиялари аъзолари ва уларнинг шахсий таркиби иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Шунингдек, сессияда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси кўриб чиқилди.

Мазкур қонуннинг ижросини сўзсиз таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Интернет тармоғидаги виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ишларини янада фаоллаштириш масаласи атрофлича муҳокама этилди.

Ушбу масала муҳокамаси жараёнида Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамаси ва тегишли бошқарма ҳамда туман ҳокимликлари ишларининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Интернет тармоғидаги виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар ижроси тўғрисида фармойиш қабул қилинганлиги ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиблари тасдиқланганлиги ҳамда бу борада муайян ишлар олиб борилаётганлиги эътироф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимликлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларига "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади, мазмунмоҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш чораларини янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатда кўриб чиқилишини ташкил этиш, давлат бошқарув органлари, туман ҳокимликларида PM.gov.uz виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ишларини янада фаоллаштириш белгиланди.

Шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқишда масъулиятсизлик ва расмиятчилик каби иллатларни бартараф этиш, қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, мурожаатларни кўриб чиқишда қонун талабларига оғишмай амал қилиш, иш юритишни тизимли ташкил этиш, лоқайд мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвалларини қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Сессияда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор вазифаларининг ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланиб, бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш масаласи атрофлича кўриб чиқилди.

"Соғлом она ва бола йили" ҳудудий дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Давлат дастури доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар, фахрийлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш, мазкур масалаларни ҳар бир туман кесимида атрофлича таҳлил этиш ва муҳокама қилиш ҳамда иш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тадбирларни белгилаб олиш тавсия қилинди.

Шунингдек, ҳудудий дастурда белгиланган вазифалар ижросини танқидий-таҳлилий ўрганиш, ўзибўларчилик ҳолатларини бартараф этиш, бу борада ижро интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошқарувнинг барча бўғинларида тегишли мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриш яна бир бор таъкидланди.

Сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳри бўйича 2016 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш киритилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн еттинчи сессиясида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Сайлов – 2016

САЙЛОВ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Сайлов кампаниясини очиқ ва ошкора ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи ўрин тутади.

Жорий йилнинг 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган амалий семинар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу йўналишдаги билим ва кўникмасини янада мустаҳкамлаш, тажрибасини ошириш, сайлов кампаниясида иштирок этаётган журналистлар билан давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари ходимлари қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари С.Ортиқова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосий сиёсий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик стандартларга ҳар томонлама мос бўлган сайлов тизими яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот марказларида журналистлар учун зарур шароитлар яратилган. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияларининг мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда. Бундан ташқари, комиссияларнинг мажлислари бевосита матбуот марказларида онлайн режимида ҳам ўтказилмоқда.

Сайлов кампанияси бошлангандан буён мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида 4 минг 400 га яқин, хорижий оммавий ахборот воситаларида қарийб 600 материал эълон қилинди. Марказий сайлов комиссияси томонидан 500 дан зиёд, округ сайлов комиссиялари томонидан 430 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Тадбирда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ва ошкоралиқни таъминлашда сайлов комиссиялари ва журналистларнинг долзарб вазифалари, мамлакатимиз миллий сайлов тизими ҳамда бу борадаги қонунчилик мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш, сайлов кампаниясини ёритишда журналистика жанрлари имкониятларидан, замонавий медиа технологиялардан самарали фойдаланиш, сайлов комиссиялари билан ҳамкорликни янада кучайтириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ

ХХI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида жорий йил 4 декабрда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнлари, сайловни юқори савияда, демократик тамойиллар асосида ўтказишнинг ташкилий масалалари муҳокама қилинди.**
- **9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати "Менинг овозим – Ватаним келажагига дахлдор" деб номланди. Тадбирда 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, педагоглар, сайловда илк марта овоз берадиган ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд вилоятидаги тиббиёт муассасаларида "Ҳар бир инсон эътиборда" шиори остида саломатлик кунлари ўтказилмоқда. Ўн кун давом этадиган саломатлик кунларида пойтахтдан келган шифокорлар вилоятдаги тиббиёт марказлари етакчи мутахассислари – кардиолог, офтальмолог, терапевт, ортопед, нейрохирург, травматолог, педиатр ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда туманлардаги тиббиёт муассасаларида бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказади.**

ЖАҲОНДА

- **Жанубий Кореянинг Ульсан шаҳри яқинидаги автомагистралда йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Фалокат оқибатида 10 киши автобус ичида ёниб кетди, шунча одам оғир жароҳатлар билан шифохонага ётқизилди. Автобусда маҳаллий компаниялардан бирида хизмат қилувчи 20 нафар ходим бўлган. Маълумотларга кўра, автобус ғилдирагидаги носозликлар туфайли транспорт воситасининг тўсиққа урилиши оқибатида ёнғин келиб чиққан.**
- **Дунёдаги нефрит етказиб берувчи етакчи мамлакатлардан ҳисобланмиш Мьянмада кончилар оғирлиги 175 тонна келадиган улкан нефрит бўлагини топишди. Катталиги бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турадиган ушбу соф ҳолдаги нефритнинг баҳоси 140 миллион фунт стерлингга тенглиги маълум қилинди.**

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Шаҳримиздаги "Туркистон" саройида оила муносабатларини мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажралишларнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатларининг муҳокамаси ва таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, шаҳар прокуратураси, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари мутасадди вакиллари, шаҳар Фуқаролик суди ва туманлараро судлари раислари, суд ижро департаменти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ мутахассислари ҳамда турли сабабларга кўра, ажрашиб, бугунги кунда баъзи муаммоларга дуч келаётган оилалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси Ҳ.Тўрахўжаев, шаҳар имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар мамлакатимизда оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларини такомиллаштириш, маънан етук, жисмонан соғлом баркамол авлодни камолга етказишга қаратилган эзгу ишлар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда ажримларга сабаб бўлувчи омилларнинг таҳлили, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида юзага келаётган баҳслар, тўй-ҳашамларни тартибга солиш, яраштириш комиссияларининг фаолиятини кучайтириш, оилада маънавий-маърифий, тиббий, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, баъзи бир нотинч оилалардаги мавжуд муҳит оқибатидаги ажралишларнинг жиддий эътиборни талаб қилувчи ҳолат эканлиги қайд этилди.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан ишчи гуруҳлар йиғилишлари, ажралишлар кўпайган туманлар, маҳаллалар кесимида таҳлиллар ўтказилмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида шаҳримизда тўққиз ойда ажралишлар ўтган йилга нисбатан 144 тага камайган.

Йиғилиш иштирокчиларига оиланинг муқаддаслигига эътибор қаратилиб, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича пойтахт аҳолисига ва барча оилаларга қаратилган Мурожаатнома тарқатилди.

Оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инобатга олиниб, Тошкент шаҳрида оила муносабатлари муаммоларини ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди.

– Пойтахтимизда намунали, мақташга сазовор, ибратли оилалар жуда кўп, аммо шулар қаторида оғриқли нуқталаримиз бўлган ноқобил оилалар ҳам мавжуд ва натижада ажралишлар сони афсуски, ҳамон кам эмас, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. – Айрим ёшларнинг мол-дунёга ружу қўйиши, манманликка берилиши, оиладаги маънавий негизнинг заифлиги, ўзаро келишмовчилик, келин ва куёвнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, ёш турмуш қуриш оқибатлари, эр ёки хотиннинг зарарли одатларга мойиллиги, бепуштлик, қайнона, келин ёки бошқа қариндошларнинг зиддиятли муносабатлари оилавий ажримларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Оилавий ажримларнинг олдини олиш учун ҳаммамиз бирдамликда ишлашимиз шарт.

– Биз ибо-ҳаё, одоб-ахлоқни энг юқорига қўйган ва унга амал қиладиган халқнинг фарзандларимиз,– деди юридик фанлари доктори, профессор Омина Каримова. – Қандай қилиб ота-оналар тўй бўлмасдан олдин ҳар хил клипларнинг олинишига, бўлғуси келин-куёвнинг боғу-тоғларга бемалол чиқиб келишларига йўл қўйишмоқда. Тўйхоналарда ўша клипларни кўриб биз ёши улуғлар хижолат бўламиз. Соҳибқирон Амир Темур "Биз йигит уйлантирмоқчи бўлсак, қиз узатмоқчи бўлсак, етти пушти-авлодини суриштирардик" деб "Темур тузуклари"да баён қилган. Бинобарин, палаги тоза полиз экинидан ширин-шакар қовунтарвузлар унганидек, насл-насаби улуғ, етти пушти авлоди соғлом ўсган йигит-қизлар аҳди, паймон билан турмуш қуриб, ота-оналик меҳри билан фарзандларига яхши тарбия берсалар, уларнинг истиқболини кўришга мушарраф бўлишлари шубҳасиз.

Шунингдек, йиғилишда Оила кодексида назарда тутилган Никоҳ шартномасини янада такомиллаштириб, уни кенг тарғиб этиш, айниқса маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари фаолиятини тубдан яхшилаш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат оила мўъжаз бир Ватан, жамият ўзаги, халқнинг, миллатнинг давомийлигини таъминловчи, маданий қадриятларни ривожлантирувчи, ахлоқий ва маънавий баркамол авлодни дунёга келтириб, уни комил инсон қилиб тарбияловчи муқаддас даргоҳдир. Шундай экан, оилавий ажримларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг вазифамиз, масъулиятли ишимиз, қолаверса бурчимиздир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 23 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган навбатдаги аукцион савдоларига СИБ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 16.08.2016 йилги №11-1636/7494-сонли ва №11-1636/8067-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: **1**. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 442 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –125 000 000 сўм. **2.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 437 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. **3.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 436 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. **4.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 430 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. **5.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 432 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. **6.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 316 FEA(439) бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. **7.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 317 FEA(431) бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. **8.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 435 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –125 000 000 сўм. **9.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 438 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –125 000 000 сўм. **10.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 441 QCA бўлган ГБА СПГ САМС русумли юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда, яъни 21 ноябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – **"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ**нинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371)233-61-44.

Гувоҳнома 004593

Спорт янгиликлари





ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Баҳрайнда 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионати старт олди.

Келгуси йили 20 ёшли футболчилар ўртасида уюштириладиган жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи ушбу нуфузли турнирнинг "D" гуруҳида Австралия, Хитой, Тожикистон ёшлар терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб бораётган Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки тур баҳсини тожикистонлик тенгқурларига қарши ўтказиб, иродали ғалабага эришди. Чунки баҳснинг 20-дақиқасида терма жамоамиз дарвозабонининг қўпол хатоси туфайли тожикистонликлар гол уриб ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Шундан кейин ўйин ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлиги остида кечди. Авваліга Саиджамол Давлатжонов 67-дақиқада рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олиб ҳисобдаги мувозанатни тиклаган бўлса, орадан беш дақиқа ўтгач Жасурбек Яхшибоев яна тожикистонликлар дарвозабонини доғда қолдирди. Ўйиндаги ушбу 2:1 ҳисоби учрашув охирига қадар сақланиб қолди. Ушбу ғалаба ёшлар терма жамоамизга муҳим уч очкони туҳфа этди ва австралияликларга қарши ўтадиган 2-тур баҳси олдидан кўтаринки кайфият улашгани аниқ. Ушбу гуруҳдан ўрин эгаллаган Австралия ва Хитой ёшлар терма жамоалари беллашуви 1:0 ҳисобида яшил қитъа вакилларининг ғалабаси билан тугади.

Осиё чемпионатининг гуруҳ босқичи 1-тур баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Таиланд – Жанубий Корея – 1:3, Баҳрайн – Саудия Арабистони – 3:2, КХДР – Вьетнам – 1:2, БАА – Ироқ – 0:1, Япония – Яман – 3:0, Қатар – Эрон – 1:1.

Кеча гуруҳларда 2-тур баҳслари бошланди. Унда қайд этилган натижалар қуйидагича Саудия Арабистони – Таиланд – 4:0, Жанубий Корея – Баҳрайн – 2:1.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАВАСКОР ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент Молия институтида Соғлом она ва бола йилига бағишлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида спортнинг стол тенниси бўйича мусобақа ўтказилди.

Даставвал меҳмонлар ва мусобақа иштирокчилари Тошкент молия институтининг институтлараро спорт мажмуаси билан яқиндан таништирилди. Спорт билан шуғулланиш истагида бўлган ўғил-қизлар учун барча шарт-шароитлар яратилганини фахр билан айтиш жоиз. Спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланган кўплаб ёшлар турли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Бу каби мусобақаларнинг ўтказилиши академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг нафақат интеллектуал салоҳиятини ўстириш, балки жисмонан соғлом ва баркамол авлод бўлиб камол топишларида муҳим туртки бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мусобақа натижаларига кўра қизлар ўртасидаги беллашувларда ғолибликни Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Моҳина Эъзозова қўлга киритган бўлса, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Насиба Анарбаева ҳамда Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейи ўқувчиси Нигина Ҳамидовалар 2- ва 3-ўринларга лойиқ деб топилдилар. Йигитлар ўртасида кечган баҳсларда Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Азизбек Мухторов ғолибликни эгаллади. Шунингдек, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Абдулазиз Нурматов ҳамда Тошкент молия институти қошидаги молия академик лицейи ўқувчиси Муҳаммадали Нурмуҳамедовлар совринли ўринларни қўлга киритишди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ҲАЙИТОВ,
Тошкент Молия институти "Жисмоний маданият ва спорт" кафедраси ўқитувчиси

Россия чемпионати премьер лигасида 9 тур ўйинлари натижасига кўра статистик кўрсаткичлар маълум қилинди.

ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТМОҚДА

Унга кўра "Локомотив" ҳимоячиси ҳамюртимиз — Виталий Денисов тўпни рақибдан олиб қўйиш бўйича энг яхши натижа қайд этиб турибди. Денисов ўтган ўйинлар давомида 27 марта рақибдан тўпни олиб қўйган.

Бу борада Факундо Пирис ("Терек") 26 марта рақибдан тўпни олиб қўйган бўлса, Андрей Малих ("Оренбург"), Ибрагим Цаллагов ("Крилья Советов"), Максим Тишкин ("Томь") ва Шамил Гасановлар ("Анжи") 25 бора бу ишни уддалаб, энг яхшилар қаторидан ўрин олишган.

НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ФИФА терма жамоаларнинг навбатдаги рейтингини 20 октябрь куни эълон қилади.

Ўзбекистон терма жамоаси 2018 йилги жаҳон чемпионати саралаши доирасида Эронга ютқазиб, Хитойни мағлуб этди. Натижада, терма жамоамизнинг очколари 4 баллга камаяди ва 617 баллни ташкил этади.

Ушбу натижа Ўзбекистонга кучли 50 жамоа орасида ўз ўрнини сақлаб қолиш имкониятини бериши кутилмоқда. Самвел Бабаян шогирдлари янги рейтингда МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида 2-ўринга кўтарилиб олади. Боиси, сентябрь ойида 38-ўринни эгаллаб турган Россия терма жамоаси Коста-Рикага қарши ўртоқлик ўйинидаги мағлубият туфайли 14 поғона пастлайди ва кучли 50 та жамоа сафини тарк этади. Ҳозирда 29-ўринни эгаллаб турган Украина терма жамоаси эса янги жадвалда ҳам ўз ўрнини пасайтирмайди.

Ўзбекистон терма жамоаси Осиёнинг учинчи жамоаси номини ўзида сақлаб қолади.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Ҳозирда мамлакатимиз, жумладан, пойтахтимиздаги корхона-ташкилот бинолари ўзига хос, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда. Янгидан қурилаётган иншоотлар эса XXI аср меъморчилигининг улкан ютуқларига таянган ҳолда барпо этилаётир.

Биноларда хавфсизликни, шунингдек, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан. Ташкилотларда барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший хоналарда ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахс ташкилот маъмуриятининг буйруғига асосан тайинланиши лозим. Ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан белгиланган меъёрларда ёнғинга қарши курашиш учун ўт ўчириш воситалари бўлиши талаб этилади. Бино ва сув манбалари йўлаклари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлаклар бўш бўлиши керак. Бинолар оралиғидаги ёнғинга қарши масофа тузилмаларида материаллар, ускуналар, бўш идишларни тахлаш ва автомобиль тўхташ жойи учун ишлатишга рухсат этилмайди.

Шу каби қоидаларга амал қилинса, корхона-ташкилотларимиз бинолари "тилсиз ёв" ҳужумидан ҳимояланган бўлади.

Э.СУГУРБОЕВ,
Учтепа тумани
ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнғин офатларидан ҳимоялаш долзарб вазифалардан бирига айланиб қолмоқда. Уларни асраш ва кўпайтиришга ҳисса қўшиш эса ташкилот ва идора меҳнат жамоасининг, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Ёнғинларни ўчиришдан кўра уларнинг олдини олиш афзал экани кўриниб турган ҳақиқат, шу сабабли юртдошларимиз ўртасида бу борада тарғиботни кучайтириш яхши фойда беради. Мазкур офатга олиб келувчи турли омилларга йўл қўймаслик борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли орасида, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги масалаларини ёшларга тушунтириш фақат уларнинг иши эмаслигини ҳис қилган ҳолда, ҳар биримиз, айниқса маҳалла фаоллари бу борада жонбозлик кўрсатишса, натижа янада яхши бўлади. Зеро, бир болага етти маҳалла ота-она экан, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам барчамизнинг зиммамизда.

Ф.ҚЎЛДОШЕВ,
ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

* * *

Тошкент шаҳар ИИББнинг Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шаҳримиз аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонларига қуйидаги ҳолатларда эҳтиёт чораларини кўриш кераклигини эслатиб ўтадилар.

Хонадонларда газ ва электр ускуналарини доимо назорат қилиш ва уйдан чиқиб кетиш олдидан уларни ўчириб қўйиш, қўлбола усулда ясалган электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик, маст ҳолда ёки ўрнида ётиб сигарета чекмаслик, гугурт ёки бошқа учқун чиқарувчи буюмларни болалардан узоқда тутиш ҳолатларини ёддан чиқармаслик лозим.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир шахс жамиятнинг бир бўлаги сифатида хавфсизликни ўйлар экан, шу билан ҳаммамиз учун қайғураётган бўлади. Шунинг учун ҳам уйда, ишхона, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларга имкон қадар йўл қўймайлик.

Н.МАҲКАМОВ,
ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар биноларида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Тинч-осойишта ҳаёт кечириш учун қоидаларга амал қилайлик.

Шавкат УСМАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ 33-ҲЁХҚ бошлиғи ўринбосари, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига 24.08.2016 йилдаги № 26776/6-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01 D 032 UA, кулранг (кумушсимон хамелеон) рангли, носоз "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 25 868 235 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Феруза барака сервис" МЧЖ жарима майдончаси.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 23 ноябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.

Гувоҳнома 5477

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 21 ноябрдаги № ЖСҲ-1-529/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган: қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

I. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган "Сити макон" савдо ва кўнгилочар болалар мажмуаси. Объект эгаллаб турган ер майдони 92000 кв.м.дан, бино-иншоотлардан иборат умумий майдони-6085 кв.м Ҳужжатсиз қурилмалар майдони-513 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси –14 745 549 133 сўм.

II. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган "Сити макон" савдо ва кўнгил очар болалар мажмуасида аниқланган ҳар-хил турдаги мол мулклар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 2 343 457 015 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 21 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 18 ноябрь, куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х.р. 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.



ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 октябрь** куни ҳаво ўзгариб тураді, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ – 1 даража илиқ, кундузи — 10-12 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9207
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1055
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.00
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ